

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВА НОДИРА МУХТАРОВНА**

**ТАМАКИ ВА НОС ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ ТИББИЙ-  
ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги.  
Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) abstract of dissertation**

**Маматова Нодира Мухтаровна**

Тамаки ва нос истеъмол қилишнинг

тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ..... 3

**Маматова Нодира Мухтаровна**

Медико-социальные и экономические аспекты

употребления табака и нас ..... 27

**Mamatova Nodira Mukhtarovna**

Social, medical and economical traits of

consuming tobacco and nas ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВА НОДИРА МУХТАРОВНА**

**ТАМАКИ ВА НОС ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ ТИББИЙ-  
ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги.  
Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.120 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент Врачлар Малакасини Ошириш Институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [tirme.uz](http://tirme.uz) ҳамда «Ziyo Net» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Менликулов Парахат Рскулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамова Хамида Елемесовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамраев Атаджан Каримович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Шарипова Мадина Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tirme.uz](mailto:info@tirme.uz)).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: +99871268-17-44, e-mail: [info@tirme.uz](mailto:info@tirme.uz)).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Д.А. Асадов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳар йили тамаки чекиш туфайли ривожланадиган касалликлар оқибатида 6 млн одам вафот этади, 2030 йилда бу кўрсаткич ўн миллионга етиш эҳтимоли бор. Тиббий-ижтимоий, педагогик ва ҳуқуқий жиҳатдан долзарб бўлган тамаки чекиш муаммоси кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришни талаб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштирилди, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлиги оширилиб, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга эришилди. Аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, хавф омилларига қарши кураш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг замонавий усуллари жорий қилиш натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги эркалар орасида 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёлларда эса 75,8 ёшгача узайди.<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишини изчил такомиллаштиришни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли, жумладан, патронаж хизматининг сифати ва аҳолининг тиббий маданиятини оширишга йўналтирилган ишларга янгича кўришни берди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланувчи тўртинчи йўналишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган.<sup>2</sup> Хусусан, Давлат дастурининг 236-бандида аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий аҳолини доимий ўрганиб бориш, жойлардаги жамоатчилик вакилларига бу борада услубий кўмаклашиш, оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш мақсадида Республикада оилалар фаровонлигини таъминлаш, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Жаҳонда тамаки ва нос маҳсулотларини истеъмол қилиш туфайли ривожланадиган касалликларнинг тарқалиши, ижтимоий ва иқтисодий оқибатларни бартараф этишнинг тиббий-ташкилий тадбирлари самардорлигини оширишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида

<sup>1</sup>И.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. 10-бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль. 6-сон. 70-модда.

аҳоли орасида тамаки ва нос чекишнинг тарқалиб бориши ва унинг тиббий-ижтимоий, иқтисодий оқибатларини ижтимоий жиҳатдан асослаш, таълим муассасалари (умумий таълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар)да таълим олаётган ўқувчилар орасида тамаки чекишнинг тарқалиши, чекиш туфайли ривожланган касалликлар ва ўлим, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш туфайли давлатга, жамиятга ва уй хўжаликлариغا етадиган иқтисодий зарарларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини такомиллаштириш, шунингдек, тамаки чекишнинг олдини олиш ва ундан воз кечишга қаратилган соғлом турмуш тарзини шакллантиришда валеологик тамойилларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Фуқаролар саломатлигини тамаки чекишнинг зарарли оқибатларидан муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–302-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида», 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–396-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Тамаки маҳсулотлари истеъмолининг аҳоли орасида тарқалиши, оқибатлари ҳамда чекишнинг олдини олишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Johns Hopkins University (АҚШ), Division of Health Policy Research, National Health Research Institutes (АҚШ), University of Michigan (АҚШ), National Institute on Drug Abuse (АҚШ), Millersville University, Center for Health Promotion and Education (АҚШ), Health Education Authority, Health Update-Smoking, London HEA, University of Glasgow (Англия), Nottingham Trent University (Англия), АРАСТ Asia Pacific Association for the Control of Tobacco (Таиван), Macquarie University, University of New South Wales (Австралия), Nihon medical school University (Япония), Department of Medicine, Longkou Chinese Medicine Hospital (Хитой), Shantou University Medical College (Хитой), Tel Aviv University (Исроил),

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.utsouthwestern.edu>; <http://www.nauss.edu.sa>; <http://gazi.edu.tr>; <http://www.monash.edu>; <http://www.kln.ac.lk>; <https://www.forensischinstituut.nl>; <http://tashpmi.uz/en/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Сибирь давлат тиббиёт университети (Россия), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тамаки маҳсулотларини чекиш ва унинг оқибатлари олдини олишга йўналтирилган жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан:

тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишдан воз кечишнинг замонавий ёндашувлари ишлаб чиқилган (Johns Hopkins University, АҚШ);

чекишнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва соғлом ишчи кучини яратиш, иқтисодий ўсиш, шунингдек соғлиқни сақлаш тизимидаги ортиқча харажатларни иқтисод қилиш методологияси яратилган (University of Glasgow, АҚШ);

тамаки ва наркотик маҳсулотларни чекувчилар томонидан амалга оширилган қонунбузарликлар аниқланган (Macquarie University, University of New South Wales, Австралия);

тамаки маҳсулотларидан ажралиб чикувчи тутун натижасида юзага келган касалликлар, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, аҳоли орасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи, чекишга мойилликнинг олдини олиш борасида чоралар ҳамда миллий дастур ишлаб чиқилган (Shantou University Medical College, Хитой), (Tel Aviv University, Исроил);

чекиш оқибатида наркотик истеъмолига мойиллик, ички органлар касалликлари, ўпка касаллиги, бронхиал астма, саратон касалликларининг ёшлар орасида кўпайиши аниқланган ва олдини олиш механизмлари илмий асосланган (National Health Research Institutes, АҚШ; Новосибирь давлат тиббиёт университети, Россия).

Дунё амалиётида тамаки ва нос чекишнинг ўзига хос ташкилий, тиббий-ижтимоий жиҳатлари ва салбий оқибатларини олдини олиш юзасидан қатор устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан:

чекишга қарши тадбирлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштириш;

чекиш туфайли юзага келадиган касалликлар ва ўлимнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини комплекс баҳолаш;

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича соғломлаштириш дастурларини яратиш ва бу тизимнинг самарадорлигини ошириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли ўртасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг кенг тарқалаётганлиги соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий муаммолардан бири бўлиб, вояга етмаганлар ва катталар орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг интенсивлиги бу борада қатор тиббий-ижтимоий муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Тамаки чекиш ва унинг тарқалишига олиб келувчи омилларнинг турли жиҳатлари, ўзига хос ижтимоий хусусиятлари ва тиббий оқибатларини бартараф этишнинг замонавий ёндашувлари ва мезонлари орасидаги тафовутлар мавжудлигига бағишланган кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган (Smith A.D, Smith A.A., 2011; Gritz E.R., Kahler C.W., 2009; Spillane N.S., Leventhal A.M., 2008; Strong D.R, Brown R.A., Monti P.M.,

Leventhal A.M., Strong D.R., Brown R.A., Monti P.M., 2009; Нужный В.П., 2007; Нестеров Ю.И., 2008; Никофоров И.А., 2011; Косарев В.В., 2002; Кошкина Е.А., 2009).

Мамлакатимизда ўсмирлар орасида тамаки чекишнинг хавф омили эканлиги тарқалганлиги, чекиш туфайли келиб чиқадиган касалликлар, шунингдек тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ноинфекцион касалликлар ривожланишида аниқланган (Бекбаулиева Г.Н., 2006; Бримкулов Н.Н., 2005). Чекиш оқибатида ривожланадиган юрак қон-томир ва нафас аъзолари касалликлари профилактикаси самарадорлигини оширишга эришиш масаласи муҳокамага тортилган (Аралов Н.Р., 2007; Мамутов Р., 2005; Маҳкамова Н.У., 2005; Махмудов Б.Х., 2007; Убайдуллаева Н.Н., 2007; Халиқназарова Р.М., 2007; Хатамова Д.Т., 2008.).

Бироқ, келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, ўсмирлик давридан бошлаб тамаки чекиш оқибатида нафас аъзолари касалликларининг жуда тез ривожланиб бориш механизми кенг қамровда ўрганилмаган ҳамда тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, тамаки чекишни илк маротаба бошлаш сабабларида организмнинг генетик хусусиятлари ва ташқи омилларнинг таъсирини мукаммал ўрганилмаган, келиб чиқадиган касалликларнинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари етарлича таҳлил қилинмаган ҳамда чекишдан воз кечишга қаратилган хулқ-атворни ўзгартиришга қаратилганга валеологик тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 02090010-сон «Хавфли омилларнинг тарқалганлик даражаси ва баъзи касалликларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш аҳамиятини баҳолаш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда тамаки ва нос чекишнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳоли ўртасида ёшига қараб тамаки ва нос чекишнинг тарқалганлик даражасини аниқлаш;

стационар ва амбулаторияга мурожаат этган беморлар орасида тамаки чекиш оқибатида ривожланган касалликлар ва ўлим эҳтимолини аниқлаш;

тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида оила, жамият ва давлатга етадиган иқтисодий зарарларни баҳолаш, шунингдек олинган натижалар негизида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган тамаки ва нос чекиш профилактикасига оид самарали валеологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1000 та уй хўжалиги, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги алоҳида тиббиёт муассасалари, Тошкент шаҳридаги 25 та таълим муассасалари (умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) ҳамда 2 та тиббиёт олий ўқув



юрти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** - 3745 нафар уй хўжалиги аъзолари, турли касалликларга чалинган 2395 нафар бемор, 800 нафар талаба ва 2133 нафар ўсмир ўқувчиларнинг тамаки ва нос чекишга бўлган муносабати, шунингдек, чекиш эпидемиологияси, ташкилий ва тиббий-ижтимоий жиҳатлари таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ижтимоий сўровнома, бевосита кузатиш, интервью олиш, анкета-сўров, демографик, ижтимоий, статистик-математик, иқтисодий каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тамаки ва нос маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар асослаб берилган;

тамаки ва нос истеъмол қилиш туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олишнинг тиббий-ташкилий тадбирларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

тамаки чекишнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ давлатга етадиган иқтисодий зарарлари аниқланган ва аҳоли орасида нос чекиш бўйича мураккаб эпидемиологик вазиятнинг вужудга келиш сабаблари илмий асослаб берилган;

тамаки маҳсулотларига қўйиладиган санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари асосида гигиеник ҳамда ташкилий талаблар такомиллаштирилган;

тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш бўйича шахснинг хулқ-атворини шакллантиришга қаратилган замонавий валеологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

2008 йил 27 ноябрда тасдиқланган «Тамаки маҳсулотларига гигиеник талаблар тўғрисида»ги 0259–08-сон санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари амалиётга жорий этилган;

аҳолининг турли қатламлари орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олиш ва профилактикаси борасида Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–302-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, концепциясини шакллантиришда ва амалдаги ижросини таъминлашда фойдаланилган;

тамаки чекиш профилактикаси ва ундан воз кечишга қаратилган валеологик тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тиббиёт олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишлари учун дарслик сифатида тавсия этилган ва фойдаланилаётган «Валеология» дарслигининг хулқ-атворни шакллантириш бўлимига киритилган (2015);

тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклашга қаратилган тиббий-ташкилий тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўсмирлар контингентининг етарли эканлиги билан асосланган, шунингдек, кенг камровли ижтимоий сўровнома, бевосита кузатиш, интервью олиш, анкета-сўров; демографик, ижтимоий ҳамда статистик-математик ва иқтисодий таҳлил қилиш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар асосида аҳоли орасида тамаки ва нос чекишнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни янада такомиллаштиришдан иборат, турли таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ўртасида чекишга олиб келувчи омилларни бартараф этиш ва никотинга қарамликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган валеологик тавсияларни қўллаш, амалиётга татбиқ этишга оид назарий билимларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олиш ва ундан воз кечишга қаратилган валеологик тавсиялар ишлаб чиқиш орқали чекиш туфайли келиб чиқадиган касалликларни профилактика қилиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан асосланади. Тамаки маҳсулотларининг кенг тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклашнинг тиббий-ташқилий тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича асослаб берилган таклифлар ҳукумат қарорларини жорий қилиш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олиш ҳамда унинг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий этилган:

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 4, 6 ва 8-моддаларида (тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилишнинг олдини олиш ва салбий таъсири профилактикаси) ҳамда 12, 13 ва 19-моддаларида (аҳоли ўртасида тамаки чекиш олдини олишнинг тиббий-валеологик тадбирлари) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг 2016 йил 15 февралдаги 04/3–06–258–74 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олиш ва салбий таъсири профилактикаси самарадорлигини ошириш имконини берган;

тамаки маҳсулотларига қўйиладиган тиббий-ташкилий ва гигиеник талабларни такомиллаштириш юзасидан олинган таклифлар «Тамаки маҳсулотларига гигиеник талаблар бўйича санитария қоида ва меъёрлари» таркибида (2.10 ва 2.13-бандлар) тасдиқланиб (0259–08-сон), амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 26 февралдаги 8н–3/47-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тамаки зарарини камайтириш ва истеъмоли туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш бўйича тиббий-ташкилий тадбирларни самарали ташкил қилиш имконини берган;

аҳолининг ҳаёт сифати даражасини ошириш ва тамаки чекишдан воз кечишга қаратилган валеологик тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва таълим муассасалари педагогик амалиётида фойдаланишга рухсат этилган «Валеология» дарслигининг хулқ-атвори шакллантириш бўлимига киритилган (2015).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг эпидемиологияси**» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид адабиётлар таҳлили берилган, жумладан, аҳолининг ижтимоий-демографик қатламлари орасида тамаки чекишнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг тиббий-ижтимоий маълумотлари келтирилган. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш муаммоларининг ташкилий, тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларига замонавий ёндошувлар, тамаки ва нос маҳсулотларидан воз кечиш масалалари кенг тарзда ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тамаки ва нос чекиш эпидемиологиясини ўрганишнинг тадқиқот материаллари ва натижаларини баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида мақсадга эришиш учун ва қўйилган вазифалар ечимини таъминловчи тадқиқот объектининг тавсифи, тиббий-статистик текшириш усуллари ва услубий ёндашувлар баён қилинган.

Тадқиқот жараёнида тамаки ва нос истеъмол қилишнинг аҳоли орасида кенг тарқалиб бориши ва оқибатлари олдини олишнинг ташкилий ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини аниқлаш мақсадида республикамиздаги шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси ўртасида тасодифий танлов (Primary Sample Units) махсус дастур бўйича ижтимоий тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар умумқабул қилинган услуб асосида республиканинг 9 та ҳудудини қамраб олди ва ижтимоий сўровномада 1000 та уй хўжалигида яшовчи 3745 нафар респондент қатнашди. Тамаки ва нос чекиш туфайли ривожланадиган касалликларнинг тарқалганлик даражасини аниқлашда Самарқанд шаҳридан 17 та давлат тиббиёт муассасаси, Тошкент шаҳридан 11 та, Тошкент вилоятидан 2 та (жами 30 та) тиббиёт муассасасида амбулатор ва стационар даволанаётган беморлар (1395 нафар), 25 та ўқув муассасаси – 17 та мактаб, 8 та лицей ва коллеж ўқувчилари, шулардан 1375 нафари (64,5%) 13–15 ёшдаги мактаб ўқувчилари, 758 нафари (35,5%) 16–17 ёшдаги 1 курс лицей ва коллеж талабалари (жами 2133 нафар) ихтиёрий иштирок этди. Объектлар рондомизация услубида танланиб, респондентлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишда SPSS (*Statistical Package for the Social Sciences*) — «ижтимоий фанлар учун статистик пакет) – компьютар дастуридан фойдаланилди. Ҳисоб ва таҳлиллар учун «Касалликлар назорати ва профилактика қилиш Маркази» (CDC) томонидан ишлаб чиқилган дастур (SAMMEC) моделининг махсус формулаларидан фойдаланилган.

Сўровномада иштирок этган ўн беш ва ундан катта ёшдаги уй хўжалиги аъзоларининг тамаки ва нос чекишга бўлган муносабати ҳамда оқибатларни ўрганиш мақсадида анкета саволлари асосида юзма-юз (face-to-face) интервью олинди. Тамаки чекиш билан боғлиқ касалликларни баҳолашда фақат тамаки чекиш туфайли касалликка чалинган 35 ёш ва ундан катта ёшдаги эркаклар орасида таҳлил қилинган маълумотлардан фойдаланилди. Бунда стационар ва амбулатор беморлар ҳақида қуйидаги маълумотлар аниқланди:

тамаки чекиш туфайли ривожланган касалликка  $k$  дучор бўлган ҳеч қачон чекмаган, илгари чеккан ва ҳозирги вақтда чекадиганларнинг юқорилик коэффициенти;

умумий касалланганлар орасидан чекадиган эркакларнинг фоиздаги улуши топилди;

аҳолининг тоифалар бўйича  $k$  ўртача касалланишнинг 2008-2010 йиллардаги маълумотлари таҳлил этилди.

Касалланишни баҳолаш учун 35 ёш ва ундан катта ёшда бўлган чекувчи эркакларнинг чекишга муносабати таҳлил этилди. Чекиш таъсиридаги ўлим ҳолати (SAM)ни аниқлаш учун 35 ва ундан катта ёшдаги эркаклар орасида умумий ўлим кўрсаткичидан тоифа касалликларга  $k$  қараб чекиш туфайли рўй берган ўлимнинг (SAF) атрибутив улуши ажратилди. Сўнгра чекиш оқибатида келиб чиққан касалликлар туфайли рўй берган умумий ўлим кўрсаткичини топиш учун тоифа касалликлар  $k$  туфайли рўй берган ўлим кўрсаткичига бирлаштирилди:  $SAM = \sum_{m} \dot{u}_{лим_k} - SAF_k$ . Бу ерда (SAM) – тамаки чекиш туфайли юз берган ўлим, (SAF) – чекиш туфайли юз берган ўлимнинг атрибутив улуши аниқланди.

Олинган натижаларга ўрнатилган тартибдаги усуллардан фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди.


Диссертациянинг «**Аҳолининг турли қатламларида тамаки ва нос чекиш эпидемиологик тарқалишининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари асосида аҳолининг турли қатламларида тамаки ва нос чекиш эпидемиологияси, тарқалганлик даражаси, чекишнинг ташкилий, тиббий-ижтимоий жиҳатлари, тамаки ва нос чекишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарурати кўрсатилган.

Аҳоли орасида фабрикада ишлаб чиқариладиган сигарет ва уй шароитида тайёрланиб тил остига ташлаб чекиладиган нос тарқалганлиги аниқланди. Ижтимоий сўровда иштирок этган респондентларнинг 1924 нафари (51,3%) аёллар, 1821 нафари (48,7%) эркаклардир.

Тамаки маҳсулотларини чекишнинг тарқалганлик даражаси эркаклар ўртасида 20,0% ва аёллар орасида 1,1%ни ташкил этди. Эътиборга молик томони шундаки, аҳоли ўртасида сигарет чекишга (10,0 %) нисбатан нос чекиш (11,0%) кенг тарқалган бўлиб, бу ҳолат, айниқса, эркаклар орасида (23,0%) кўпроқ учради (1-расм).

Бунга сабаб носни уй шароитида тайёрланиши, унинг арзон ва сотиб олишга қулайлиги ҳисобланади. Эркаклардан фарқли равишда нос чекиш

аёллар орасида учрамайди, шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда аёллар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга ўта берилиб кетмаган, деган хулосага келиш мумкин.




1-расм. Тамаки чекишнинг жинсга кўра умумий тарқалганлиги.

Аёллар ўртасида тамаки чекишнинг жуда кам тарқалганлигини инобатга олган ҳолда тадқиқот натижаларининг таҳлиллари фақат чекувчи эркаклар орасида олиб борилди. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тарқалганлик даражаси таҳлил этилганда, сигарет ва нос чекиш 30 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркаклар орасида кенг тарқалганлиги, айниқса, нос чекиш барча ёшдаги гуруҳлар орасида кўп учраши аниқланди. Тадқиқот натижалари кўрсатдики, олий маълумотли шахслар ўз саломатлигига масъулиятни сезганидан эмас, балки нос чекишни маданиятсизлик деб билгани туфайли улар орасида сигаретга нисбатан нос чекиш кам тарқалган. Тадқиқот натижаларига таяниб айтиш мумкинки, маълумот даражаси паст бўлган эркаклар орасида сигарет чекиш 9,0%, нос чекиш 15,0%, тўлиқ ўрта маълумотга эга эркаклар орасида сигарет чекиш 21,0%, нос чекиш 25,0%, олий маълумотли эркаклар орасида сигарет чекиш 26,0%, нос чекиш бироз паст даражада яъни 19,0% тарқалган. Ушбу натижалар аҳолининг олий маълумотга эга бўлган зиёли қатлами тамаки чекишнинг хавфли оқибатлари ҳақидаги ахборотларни билишига қарамадан, ўз саломатлигига масъулиятсизлик билан қарашидан далолат беради (2-расм).

Таҳлилларда эркаклар орасида тамаки чекиш интенсивлиги ортиб бориш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Бу ҳолат ёш улғайиб бориши билан чекиладиган кунлар ва сигаретлар сони ҳам ортиб боришини кўрсатади. Кун давомида 11 донадан кўп сигарет чекадиган 60 ва ундан катта ёшдаги респондентлар сони аниқланди ҳамда улар ашаддий кашандалар қаторига киритилди. Эркаклар ёши ва чеккан сигаретлар сонига қараб ажратилганда, аксарият ашаддий кашандалар етук ва ўрта 30–39 ёшда 26,0%ни, 40–49 ёшда 43,0%ни ташкил этди. Барча турдаги ёш гуруҳлари солиштириб кўрилганда, ёшлар орасида (20–29 ёш) кашандалар 21,0% ни ташкил этди.

Бирок ҳар бир гуруҳ ичида ушбу кўрсаткичлар таҳлил этилганда, уларнинг ёши улғайиб бориши билан сигаретлар сони ҳам ортиб бориши кузатилди ва 50–59 ёшда 47,0% га тўғри келди.



**2-расм.** Маълумот даражасига қараб эркеклар орасида тамаки маҳсулотлари чекишнинг тарқалганлиги.

Нос чекиш фақат ўзбек миллатига мансуб эркеклар орасида тарқалганлиги аниқланди, ҳар куни нос чекадиганларнинг 31,0% ини 30–39 ёшдагилар ва 21% ини 40–49 ёшдагилар ташкил этди. Аёллар орасида нос чекиш қайд этилмади, бироқ ёшлар орасида бу кўрсаткич 1,0% га тўғри келади. Қайд этиш лозимки, ёш улғайиб бориши билан ҳар куни нос чекувчилар сонининг ортиб бориши кузатилган, яъни бу кўрсаткичлар 57,0% дан 96,0% гача ортиб борган. Тамаки маҳсулотлари таннархининг ўзгариши аҳолининг чекишга бўлган муносабатига таъсир кўрсатади. Сигарет таннархи 50,0% га ортганда шаҳарлик ашаддий кашандаларнинг 7,0% чекишдан воз кечиши, уларнинг 32,0% чекишни камайтириши ҳамда таннархи 100,0% га ортганда шаҳарлик кашандаларнинг 18,0% чекишдан воз кечиши ва уларнинг 33,0% чекишни камайтириши, аммо уларнинг 26–35,0%и чекишни одатдагидай давом эттириши аниқланди. Сигарет нархи ортиши билан 16–19,0% респондентлар сигаретнинг арзон турини чекишга, 6–7,0% шаҳарликлар нос чекишга ўтиши аниқланган. Улар сигаретни, асосан, 59,0% кўчадаги сотувчилар; 24,0% магазинлар; 15,0% бозор ва 2,0% нашриёт шохобчаларидан харид қилиши маълум бўлди.

Натижалардан кўришиб турибдики, респондентларнинг аксарияти тамаки маҳсулотларининг организмга келтирадиган зарари тўғрисида тўлиқ ва тўғри тушунчага эга эмас. Пассив чекиш ҳолатлари ўрганилганда, кашандаларнинг, асосан, уйдан ташқарида сигарет чекиши маълум бўлди. Шунга қарамасдан уй хўжалиги аъзоларининг (болалар, ўсмирлар, аёллар) 20,0% пассив чекишга мажбур, чунки ҳаво совуқ пайтида 20,0%, ҳаво иссиқ пайтда 12,0% кашандаларнинг уй ичида, ошхона ёки йўлакларда чекиши аниқланди. Тадқиқот натижалари вояга етмаган болалар учун сигарет

маҳсулотларини кўчада кутида ёки доналаб бемалол харид қилиши жуда қулайлигини кўрсатади.

Ушбу бобнинг «**Талаба ёшларнинг тамаки маҳсулотларига бўлган муносабати ва тамаки чекишнинг улар ўртасида тарқалганлик даражаси**» мавзусидаги бўлимида тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари орасида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил этилган. Унда 16 дан 27 ёшгача бўлган 580 нафар талаба иштирок этган, уларнинг 234 нафари аёл, 346 нафари эркаклар. Респондентларнинг 42,5 фоизи 18–20 ёшдаги талабалар бўлиб, уларнинг 73,8 фоизи энг биринчи сигаретни 14 ёшгача, 17,6 фоизи 15–17 ёшда, 8,4 фоизи 18 ёшдан сўнг чекиб кўришган. Талабаларнинг 73,2 фоизи қачонлардир чекиб кўришга ҳаракат қилгани ёки бир марта сигарет тутунини ичига тортиб кўргани ва 17,7 фоизи доимий чекишга ўтгани аниқланди.

Мазкур бобнинг «**Мактаб ўқувчилари ва ўсмирларнинг тамаки маҳсулотларига бўлган муносабати ва тамаки чекишнинг улар ўртасида тарқалганлик даражаси**» деб номланган бўлимида ўсмирлар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар баён этилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Тошкент шаҳридаги 14–18 ёшдаги ўсмирларнинг 7,7 фоизи ҳаёти давомида бир марта бўлса ҳам тамаки тутунини ичига тортиб кўрган, шундан 5,4 фоизи ўғил болалар, 2,3 фоизи қиз болалар. Ўғил болаларнинг 17,1 фоизи биринчи сигаретни 10 ёшгача чекиб кўрган, бироқ ўсмир-қизлар орасида бу ҳолат қайд этилмади. Ўсмирлар орасида тамаки чекишнинг тарқалганлиги 2,4%, қиз болаларда эса 1,6% ни ташкил этди. Ҳаёти давомида умуман чекмаган 45,1% ўсмирларнинг келгусида чекиш эҳтимоли борлиги қайд этилди. Чунки ўсмирларни чекишга ундовчи хавфли омиллар мавжуд, яъни 43,8% ота-оналар, 1,6% яқин дўстлари уларнинг ёнида тез-тез сигарет чекиб туриши оқибатида пассив чекиш авж олиб борган. Атрофдаги одамларнинг мунтазам равишда ўсмирлар ёнида чекиши оқибатида 17,3% ўсмирлар пассив чекувчига айланган. Мактаб ҳудудида эркак ўқитувчиларнинг чекиши ҳамда сигарет қутисидagi реклама ёзувлари ўсмирларнинг эътиборини ўзига жалб этиб, уларнинг чекишга мойиллигини янада ошириши аниқланган.

Болалар ва ўсмирлар популяциясида ўсиш ва ривожланиш жараёнининг бугунги кунда 7 та асосий қонунияти ишлаб чиқилган бўлиб, улар туғилгандан бошлаб 21 ёшгача биологик ёш даврларига ажратилади. Шунингдек, мактабгача ва умумий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида болалар ва ўсмирлар 4 та ижтимоий ёш даврларига ажратилган (мактабгача таълим, кичик, ўрта ва катта мактаб ёши). Ўсмирларда 13 ёшдан бошлаб олий нерв фаолиятида афферент синтез, масаланинг ечимини топиш, эфферент синтез, кенг қамровли ҳис қилиш қобиляти каби жараёнлар бошқарилади ва бунда организмнинг биологик эҳтиёжини инобатга олиш зарур. Жаҳонда нафақат инсоният, балки флора ва фауна дунёси ҳам меъёрий даражада ўсиш ва ривожланиши учун гигиеник талабларга мос келадиган атмосфера ҳавосидан нафас олади, ҳаво таркибининг ўзгариши эса уларнинг меъёрий даражада физиологик жараёнларини издан чиқаради.



Ҳаво таркибининг гигиеник талабларга мос келишида аҳоли турли қатламларининг яшаш ва ишлаш жойларини зарарли омиллар билан боғлиқ бўлган саноат корхоналарга нисбатан жойлаштирилиши ўта муҳим. Яшаш жойлари, таълим, дам олиш, спорт ва даволаш-профилактик муассасаларнинг шамол йўналишига нисбатан жойлаштирилишида улар орасидаги масофа ва санитария ҳимоя минтақалари инобатга олиниши лозим. Бу атмосфера ҳавоси таркиби ва унинг гигиеник талабларга мос келиш ёки келмаслигида ўзига хос ўринга эга. Гигиеник талабларга мос келадиган атмосфера ҳавосининг таркиби 20,94% кислород, 0,03% карбонат ангидрид, 79,03% азотдан иборат. Нафас чиқаргандаги ҳаво таркиби 16,0% кислород, 4,5% карбонат ангидрид, 79,5% азотдан, альвеоляр ҳавонинг таркиби эса 14,0% кислород, 55,0% карбонат ангидрид, 80,5% азотдан ташкил топади. Тамаки маҳсулотларини сақлаш ва ишлатиш жойларида, истеъмол қилинганда эса унинг тутуни таркибида нафақат атроф-муҳитни, балки атмосфера ҳавосининг кимёвий таркибини ифлослантирувчи, физик ва ион хоссаларнинг ўзгаришига олиб келувчи моддалар мавжуд. Тамаки маҳсулотлари сақланадиган ва истеъмол қилинадиган жойларда нафас оладиган ҳавонинг кимёвий таркибида кислород миқдори камайиб, карбонат ангидрид миқдорининг ошиши, ҳароратнинг 2–3 даражага кўтарилиши, намликнинг 5–10,0% га пасайиши, оғир ионлар миқдорининг ортиши ўсмирларнинг кун тартиби ва фаолият турларини издан чиқаради.

Танаффус вақтида ўсмирларнинг бир километр масофага тамаки маҳсулотини сотиб олиш учун бориб келиши уларнинг ҳаракатга бўлган биологик эҳтиёжини 0,5–1,5 мартагача пасайтириб, нафас сонининг 1,0 мартагача, юрак уришининг 0,5–1,0 мартагача ортишига, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўкрак қафасида патологик ҳолатдаги ўзгаришларга ва ўпка фаолиятини издан чиқишига олиб келади, шунингдек, ўпкада сурфактант тизим издан чиқиши, алвеоляр босим пасайиши нафас йўллариининг қаршилиги ва инспиратор мускулларнинг қисқариши, ҳаво йўллари беркилиши, кучли нафас олишда босимни 70 мм симоб устунига пасайиши, нафас чиқарганда эса алвеолаларда босим атмосфера босимидан юқори бўлиши кузатилади.


Пассив чекишнинг олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва жамоат жойларида, шунингдек, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулоти истеъмол қилинишига йўл қўйилмайди. Бу ҳолат чекишнинг олдини олиш билан бирга тамаки тутунининг атрофдагилар саломатлигига салбий таъсирини камайтиради ва ноинфекцион касалликлар ривожланишининг олдини олади.

Таълим муассасалари яқинида танаффус пайтида сигарет доналарини қулай ва арзон нарҳда сотиб олиш имкониятини чеклаш, таълим муассасалари ҳудудида ўқитувчиларнинг тамаки чекишига йўл қўймаслик каби чора-тадбирларни такомиллаштириш вояга етмаганлар орасида тамаки чекишнинг кенг тарқалиши олдини олади.

Диссертациянинг «**Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилувчилар ўртасида касалланиш даражаси ва турлари**» деб номланган тўртинчи

бобида тамаки ва нос истеъмол қилишнинг қатор касалликлар ривожланишига олиб келиш сабаблари келтирилган. Эркаклар ва аёллар орасида тамаки ва нос маҳсулотларини истеъмол қилганда учрайдиган касалликларнинг даражаси 3-расмда келтирилган.

Аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини шакллантириш учун тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ҳудудий ўзига хос хусусиятлар аҳамияти кўрсатилган, бу ўз навбатида тамаки чекишнинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини аҳамиятини баҳолаш билан бирга долзарб муаммолардан ҳисобланган тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олишга қартилган чора-тадбирларнинг замонавий ёндошувларини яратишга кенг имконият очиб берган. Юрак қон-томир, нафас аъзолари, ошқозон ичак тизими ва онкологик касалликларнинг ривожланишидаги асосий хавф омилларидан бири бўлган тамаки чекишнинг оқибатлари мазкур тадқиқотда респондентлар ичида аниқланди: юрак қон-томир касалликлари 69-72% нафас аъзолари тизими 14-17%, ошқозон-ичак тизими 5-8 ва онкологик касалликлар 3-7% ҳолатларда учради. (3-расм).



**3-расм.** Амбулатор беморларнинг жинсига кўра асосий ташхиси (ҳар бир гуруҳдаги респондентларнинг умумий сонига нисбатан %).

Амбулатор касалликларнинг ёши ва жинсига кўра тарқалиш даражаси 1-жадвалда келтирилган.

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, 50 ёшгача бўлган респондентлар орасида юрак қон-томир касалликларининг тарқалиши бошқа ёшга нисбатан камроқ (аёлларда 56%, эркакларда 57,0%) учради. Бироқ нафас олиш тизими касалликлари аёлларда 26,0%, эркакларда 22% ҳамда ошқозон-ичак тизими касалликлари аёлларда 15,0%, эркакларда 14,0%, яъни бошқа ёшдаги респондентларга нисбатан бироз кўпроқ учрайди.

Эркаклар орасида ёшига кўра фарқлар таҳлил этилганда, 50 ёшгача юрак қон-томир тизими касалликлари 59 ёшгача ва ундан катталарда 1,3 марта кўп, бироқ ошқозон-ичак тизими касалликлари 2,0 марта,

онкологик касалликлар 0,8 дан 3,0 мартагача кам учради. Аёлларда ҳам деярли бир хил манзара кузатилсада, аммо нафас олиш тизими касалликлари 50 ёшгача 2,0 мартагача кўп учради.

### 1-жадвал

#### Амбулатор беморларнинг ёши, жинсига кўра асосий ташхиси (ҳар бир гуруҳдаги респондентларнинг умумий сонига нисбатан %)

Касалликлар	Ёши					
	50 ёшгача		50–59 ёшгача		60 ёш ва катталар	
	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак
Юрак қон-томир касалликлари	56±1,57	57±1,56	78±1,31	77±1,33	81±1,74	77±1,33
Нафас аъзолари касалликлари	26±1,39	22±1,31	13±1,06	13±1,06	12±1,03	13±1,06
Онкологик касалликлар	3±0,54	6±0,75	2±0,44	2±0,44	3±0,54	5±0,69
Ошқозон-ичак касалликлари	15±1,13	14±1,1	5±0,69	5±0,69	4±0,62	3±0,54
Бошқа касалликлар	–	1±0,31	–	3±0,54	2±0,44	1±0,31

Респондентларнинг илгари чекканлиги ва юқори чекиш стажига эга экани, ҳозирги вақтда умуман чекмаслигига қарамасдан уларда юрак-қон-томир ва онкологик касалликларнинг ривожланиш хавфини пасайтирмаслиги биринчи мартаба кўрсатиб берилган.

Илк мартаба кашандаларнинг ёши улғайиб борган сайин юрак қон-томир касалликларининг ортиб бориши аниқланди, бошқа аъзолар тизими касалликларнинг ортишида эса ёшнинг аҳамияти кузатилмади. Бироқ, ишнинг энг муҳим тиббий-ижтимоий жиҳати шундан иборатки, кўрсатиб ўтилган касалликларнинг ортиб бориши билан тамаки чекиш ўртасида алоқодорлик анча юқори. Шундай қилиб, чекмайдиганлар орасида юрак қон-томир касалликлари 63,0%, чекувчиларда бу кўрсаткич 73,0% га тенг бўлди, нафас аъзолари касалликлари чекмайдиган респондентларда 13,0 ва чекадиганларда 17,0%ни, онкологик касалликлар 9,0% ва 21,0%, ҳазм тизими касалликлари 3,0% ва 6,0%ни ташкил этди.

### 2-жадвал

#### Тамаки чекувчи стационар даволанаётган беморларнинг асосий ташхиси (ҳар бир гуруҳдаги респондентларнинг умумий сонига нисбатан %)

Касалликлар	Ҳозир	Ҳозир	Илгари	Ҳеч қачон
-------------	-------	-------	--------	-----------

	чекади	чекмайди	чеккан	чекмаган
Юрак қон-томир касалликлари	73±1,4	72±1,42	69±1,48	63±1,53
Нафас аъзолари касалликлари	17±0,95	13±1,06	12±1,03	13±1,06
Онкологик касалликлар	21±1,29	11±0,99	16±1,16	9±0,9
Ошқозон-ичак касалликлари	6±0,75	3±0,54	3±0,54	3±0,54
Бошқа касалликлар	–	–	–	–

Организмда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган патологик ўзгаришлар билан бирга йўлдош касалликлар ҳамда ушбу аъзолар ва тизимлардаги функционал ўзгаришлар кўрсатиб берилган бўлиб, келгусида бу ҳолат одамларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқланган. Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли орасида касалланишнинг пасайиши аҳолининг турмуш сифатини ортиши туфайли юқори иқтисодий самара беради.

Тадқиқотлар натижасида пассив чекишга олиб келувчи омиллар аниқланган, респондентларнинг 11,3 фоизи кўчада, 9,4 фоизи умуман атрофдагиларга эътиборсиз тарзда хоҳлаган жойда чекиши қайд этилган. Ҳаво совуқ пайтлари уй, ишхонада, ичкарида чекувчилар сони 11,5% ни, ташқарига, ҳовлига чиқиб чекувчилар 5,4% ни, хоҳлаган жойида чекувчилар 10,0% ни ташкил этган.

Кашандаларнинг 5,8 фоизи ҳаво иссиқ пайтда ҳам уйда, ишхонада бино ичкарисида сигарет чекишини қайд этишган, уларнинг 28,0 фоизи чекиш учун ташқари ҳовлига чиқишади. Бундай вазиятда атрофдагилар мажбур ҳолда пассив чекувчиларга айланишади. Пассив чекувчилар организмига кираётган тамаки тутуни таркибидаги канцероген модда бензиперенниннинг миқдори тўрт марта кўп бўлади, карбоксигемоглобин миқдори 16–20% гача кўтарилади ва бу ҳолат ўз навбатида ўлим кўрсаткичининг 1,5–2 марта кўпайишига олиб келади. Шунинг учун тамаки маҳсулотларини сақлаш идишлари, сотиш ва тарқатиш жойларида уларнинг салбий таъсири тўғрисидаги кўрғазмали ахборотлар, тиббий томондан зарарли таъсирлари бўйича кўрсатмалар бўлишини таъминлаш зарур. Кўрсатмаларни амалга ошириш мақсадида никотинга қарам бўлиб қолган шахсларни даволаш учун индивидуал соғломлаштириш марказларини очиш ва чекишнинг олдини олишга қаратилган дастурлар, услубий қўлланмалар, буклетлар яратиш, аҳолининг турли қатламлари орасида даврий равишда суҳбатлар олиб бориш бўйича валеологик тавсиялар асосида индивидуал соғломлаштириш дастурлари яратилди.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш бўйича тиббий-ташкилий тадбирларни самарали ташкил этиш учун ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотларига қўйилган санитар қоида ва меъёр талабларига мос равишда технологик инструкция, рецептура стандартлари бўйича тайёрланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Тамакининг тутуни нафас олиш, юрак қон-томир тизими касалликлари ва онкологик касалликларнинг тез ривожланишига олиб келиши, аҳоли орасида тамаки чекиш билан боғлиқ касалликлар туфайли ўлим кўрсаткичининг ортиши аниқланган. Тамаки маҳсулотлари таркибидаги кимёвий бирикмалар қурум 28 мг, никотин 2,7 мг ҳамда бошқа канцероген, токсик моддаларнинг белгиланган миқдорлари анча юқори бўлганлиги сабабли 1998 йилда қабул қилинган «Тамаки маҳсулотларига қўйилган гигиеник талаблар» бўйича ишлаб чиқилган 0082–98-сон санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари ўз кучини йўқотиб, унинг ўрнига 2008 йилда ишлаб чиқилган «Тамаки маҳсулотларига қўйилган гигиеник талаблар» бўйича санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларига асосланиб тамаки маҳсулотининг таркибидаги кимёвий бирикмалар миқдори камайтирилди. Тамаки маҳсулотининг ўрами ва ташқи кўриниши баллиқ тизимда баҳоланиб, унинг 130 дан ошмаслиги, тамакининг майдаланганлик даражаси 0,55 мм ҳажмда, намлик даражаси  $13 \pm 2,0$  % га тенг бўлишини таъминлаш тамаки тутунини ютиш ва атрофга тарқалиши туфайли келиб чиқадиган зарарли оқибатларнинг олдини олади.

Ацетат филтрли 1–2 тоифадаги сигаретда тамакининг 0,55 мм ҳажмда майдаланган миқдори 2,5%, 3–4 тоифадаги филтр ва филтрсиз сигаретда 3,0%, 5-тоифадаги сигаретда 3,5%, 6-тоифадаги сигаретда 4,0% ва 7-тоифадаги сигаретда 4,5% ни ташкил этиши, ўз навбатида сигарет тутуни таркибидаги кимёвий бирикмаларнинг канцероген хусусияти туфайли келиб чиқадиган зарарли таъсирларни камайтиради. Филтрли сигаретларда мундуштук узунлигининг 15 мм бўлиши ҳаволи филтр жараёнини кучайтириб, тамаки тутунининг совишига олиб келади, шиллиқ пардаларни куйишдан ва таъсирланишдан сақлайди. Чунки иссиқлик тутун таркибидаги кимёвий бирикмаларнинг канцерогенлик хусусияти 4–5 баравар ортишига олиб келади. Филтрланиш жараёнида қурум ва бошқа бирикмалар мундуштукда ушланиб қолади, тутун таркибидаги формальдегид никотинни кўп миқдорда парчалайди, оқибатда ис ва бошқа кимёвий бирикмаларнинг нафас орқали қонга сўрилиши камаяди. Қурум (смола) таркибида мавжуд бўлган 1000 дан ортиқ кимёвий бирикмалардан 60 таси канцероген хусусиятга эга. Санитария қоидалари ва меъёрларига асосан филтрсиз сигарет таркибида қурум миқдори 16 мг ва филтрлисида 14 мг дан ошмаслиги таъминланган. Канцероген хусусиятга эга бўлган радионуклидлардан цезий 137 нинг миқдори 100 Бк/кг, стронций 90 нинг миқдори 30 Бк/кг, моғорнинг миқдори 100 КОЕ/г дан, токсик элементлардан кўрғошин – 0,5, маргимуш – 1,0, кадмий – 0,05, симоб – 0,01 мг/кг дан ошмаслиги белгиланган.

Тамаки барги таркибида бўладиган табиий алкалоид никотин ўткир ҳидга ва холиномиметик таъсирга эга бўлиб, унинг кичик миқдори мия пўстлоғи, асаб-мушак пластинкалари, буйрак усти безининг хромаффин ҳужайралари, силлиқ мушакли аъзоларда жойлашган Н-холинорецепторларга кўзгатувчи таъсир кўрсатади.

